

**"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2022 йил давомида
бизнес-режасини бажарилиши ҳамда жамиятда олиб борилган ишлар бўйича
жамият бошқаруви раисининг**

Ҳ И С О Б О Т И.

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти 2022 йил давомида **211 млрд. 940 млн. 352 минг** сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, **234 млрд. 948 млн. 781 минг** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа **110,9** фоизга бажарилди.

Озуқали этил спирти ишлаб чиқариш режаси **1150,0 минг** далл белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **1315,56** минг даллга бажарилди ёки режага нисбатан **165,56** фоиз миқдорида ишлаб чиқарилди.

Жамият 2021 йил давомида спирт ишлаб чиқариш бўйича кувватлардан фойдаланиш коэффиценти **69,2** фоизни ташкил этди.

Жамиятнинг 2021 йил давомида олинган соф фойдаси **4 млрд. 246 млн. 673 минг** сўмни ташкил этган бўлиб, бизнес режада **6 млрд. 935 млн. 820 минг** сўм этиб белгиланган ва бизнес режа **163,3** фоизга бажарилди.

Меҳнат унумдорлигидан фойдаланиш режада **557 млн. 738 минг** сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда **613 млн. 443 минг** сўмни яни бизнес режа **110,0** фоизга бажарилди.

2023 йил 1 январь ҳолати келиб, жамиятнинг омборида **120,74 минг** дал ёки **22 млрд. 474 млн. 88 минг** сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғини ташкил этган.

2023 йил 1 январь ҳолатига жамиятнинг Бюджет олдидаги қарздорлик **2 млрд. 629 млн. 232 минг** сўмни, ишчи-хизматчиларга меҳнат ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик **1 млрд. 769 млн. 419 минг** сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни талаблари ҳамда 2021 йил 30 апрел кунги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов раислигида ўтказилган мажлис баёни қарорига асосан 2020 йил якуни бўйича жамиятларнинг олинган соф фойдасидан дивидендлар ва ажратмалар миқдорини белгилаш тўғрисидаги йиғилиш қарорига асосан "Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 75 фоизи яъни **6 млрд. 910 млн. 585 минг** сўмни шундан давлат улушига **5 млрд. 182 млн. 932 минг** 524сўм дивиденд ҳисобланган.

Йиғилиш қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатидан қатъий назар жорий йилнинг август ойида жамият давлат улушига ҳисобланган дивиденд маблағини тўлиқ ва ўз муддатида давлат бюджетига ўтказиб берилган.

Ушбу ишлаб чиқарилиши режалаштирилган этил спиртини ишлаб чиқаришда ва сотишда қатор муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги "Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-5031-сон қарорига мувофиқ истеъмол этил спирти ҳам ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида сотиш белгиланган.

Аммо, ҳозирги кунда Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонларда ишлаб чиқарилаётган тайёр алькогол маҳсулотларини қолдиқларини юқорилиги натижасида айланма маблағларининг танқисчиллиги туфайли, жамиятда сотув режаларини кесин пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, дон комбинатлари томонидан биржа савдоларига қўйилаётган, жамиятда ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё бўлган буғдой донни рақобат натижасида донни нархи ортиб кетиб дон етишмай колмоқда.

Шунинг учун ишлаб чиқаришни узликсизлиги таъминлаш мақсадида, буғдой донни Республикамизда фаолият юритаётган хусусий сектор субъектларига мрожаат қилишга мажбур бўлмоқдамиз.

Жамиятда ишлаб чиқаришни узликсизлиги таъминлаш ва Республикамиз ички бозорида маҳсулотларимиз сифатида юзасидан негатив фикрларга чек қўйиш мақсадида 2002 йилда Россия Федерацияси Москва шаҳрида ўтказилган EURASIA SPIRITS DRINKS халқаро спирт ва алкоголь маҳсулотлари танловларига жамият томонидан тақдим этилган “Люкс” ва “Альфа” навли этил спиртлари тақдим этилган.

Халқаро спирт ва алкоголь маҳсулотлари дегустация комиссиясининг хулосасига асосан “Кумуш” медаллари билан ва 2023 йил февраль ойида танлов натижаларига кўра жамият томонидан тақдим этилган “Экстра”, “Люкс” ва “Альфа” навли этил спирти юкори баҳоланиб, “Олтин” медаллари билан тақдирландилар.

Шу билан бирга, жамиятимизнинг харидорларига қулайлик яратиш, яъни сотиб олинган маҳсулотни ўз вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида, жамиятга спиртовоз машиналари сотиб олинган.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

**"Андижон биокимё заводи" АЖ
бошқарув раиси Х.Юлдашев**